

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ

НОРПОШШАХОН ХАБИБУЛЛАЕВНА ВОХИДОВА

ТДПУ ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ ПРОФЕССОРИ

e-mail: pedagogn@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7024473>

Олий таълимни сифат жиҳатидан такомиллаштириш унга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш билан бир қаторда, олий таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнидаги педагогик жараёнларни ташкил этишни мазмун жиҳатдан бойитишни талаб қилмоқда. Чунки, бугунги кун олий таълим ташкилотлари талабаси замонавий мактабларда яратилаётган шароит ва имкониятларидан фойдалана оладиган, ўзига ва ўз фаолиятига нисбатан талабчан, умумтаълим мактабларида тарбиявий фаолиятни йўлга қўя оладиган, ўз ишининг устаси бўлган, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштирган, ўзини ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз билими ва иқтидорини тўлақонли равишда жараёнга жорий эта оладиган мутахассисга бўлган талабни қўймоқда.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш шахсда ижтимоий фаол, маънавий етуклик туйғуларни шакллантириш билан бир қаторда, бўлажак ўқитувчи-педагоглар зиммасига ёшларни Ватанга муҳаббатли, эътиқодли, меҳр мурувватли, оқил, ҳалол, покиза, инсонпарвар, халқпарвар, маънавий-ахлоқий компетентли этиб тарбиялаш вазифасини қўймоқда. Мана шу фазилатларни ўзида мужассам эта олган ёшларгина юксак ахлоққа эришган, маънавий етук, ижтимоий фаол шахс бўла оладилар. Энг аввало, тарбиявий фаолиятга тайёргарлик тушунчасининг мазмуни, моҳиятига эътибор қаратилди. Тарбиявий фаолиятга тайёрлик [1] бу махсус психологик ҳолат бўлиб, – субъектда маълум бир ҳаракатнинг тузилиши ва уни бажаришга доимий равишда онгнинг диққат марказида бўлиши. У педагогик вазифани англашга турли хил муносабатларни, эҳтимолий хулқ-атвор моделларини, фаолиятнинг махсус усулларини аниқлашни, бўлажак қийинчиликларга нисбатан уларнинг имкониятларини баҳолашни ва маълум бир натижага эришиш зарурлигини ўз ичига олади.

Л. А. Байкова эса, тарбиявий фаолиятни ўқитувчининг ўқув фаолияти мобайнида ўқувчиларни тарбиялашдаги ижобий натижаларга эришишга

қаратилган маълум қобилиятларни ўз ичига олган компонент деб қарайди [2].

В. Д. Щадриков эса тарбиявий фаолиятни тушунчасини, уни ташкил этиш мазмуни ва функцияларидан хабардор мутахассис шахси билан боғлаб, мазкур фаолиятни ташкил этишнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятларини англашига ишора қилади [3].

Бизнингча, тарбиявий фаолият тарбия жараёнини мақсад ва вазифалари, мазмуни, функцияларини билиш, ижобий натижаларни кафолатлашга қаратилган педагогик қобилият туридир.

Тадқиқотимизда бўлажак ўқитувчиларни **“тарбия”** ва **“тарбиявий фаолият”**, **“инновация”**, **“инновацион фаолият”** ҳақидаги тушунчаларни билишлари, қайси даражада фарқлашларини ўргандик. Уларга “тарбия” ва “тарбиявий фаолият” тушунчалари ўртасидаги фарқ нимадан иборат? деган савол берилди. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу тушунчалар орасидаги фарқларни англаган респондентларни юқори курс талабалари (71%) ташкил этди. 4 курсда ўқийдиган талабалар билан 1 ва 2 курс талабаларининг жавоблари орасида фарқ борлигини кўрсатиши билан бирга, уларнинг тарбиявий фаолиятга тайёрлик тушунчасининг моҳиятини англашларига кўра қуйидаги уч гуруҳга ажратдик:

1-гуруҳга кирган респондентлар тарбиявий фаолият мавжуд шароитининг ўзгаришига қарамай, педагоглар томонидан бошқариладиган, ўқувчиларни тарбиялаш тизимини ўзлаштириш жараёни деб таърифладилар.

2-гуруҳга кирган респондентлар тарбиявий фаолиятни ўз-ўзини тарбиялаш, шахснинг ўзини ривожлантириши билан боғлиқ жараён деб таснифладилар. Улар орасида қуйидаги сўзлар мавжуд: “тарбиявий фаолият мазмунини ўзлаштирганлик”, “фаол шахсни тарбиялаш”, “тарбиявий фаолият методлари ва усулларини ўзлаштирганлик” ва бошқалар.

3-гуруҳга кирган респондентлар тарбиявий фаолиятни касбий билимдонлик кўринишлари: тарбиявий маҳорат, тарбия кўрганлик, тарбияланганлик, толерантлик каби тушунчалар деб кўрсатган респондентлар ташкил этди. Маълумки, шахс таълим жараёнида табиат ва жамият ҳақида фикрлаш ва фаолият кўрсатиш усуллари ҳақидаги ижтимоий муҳитда маълум мавқени эгаллашга, касбий фаолиятда эса, муайян натижаларга эришиш имконини берадиган билимлар ҳажмини эгаллайди. Бу билимлар унга ҳаёт йўлида дуч келадиган муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради. Таълим олиш жараёнида шахс атроф муҳитга

эмоционал-иродавий муносабатда бўлишни ҳам ўргана боради. Бу унга, бир томондан, ўз дунёқарашини кенгайтириш ва такомиллаштириш, психологик қобилиятлари ва ички дунёсини бойитиш имконини берса, иккинчи томондан ижтимоий муҳит билан муносабатларини изга солиш имконини беради.

Педагогика олий таълим ташкилотларида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш жараёнини шахсинг интеллектуал фаолиятига қўйиладиган мантиқий талаб ва меъёрлар мазмуни сифатида тушунилади.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш жараёни улардан умумий педагогика, фалсафа, мантиқ, психология, тарбиявий ишлар методикаси каби фанлар доирасида ўрганиладиган баркамол шахс тарбиясининг мазмуни, моҳияти, хусусиятлари, қонуниятларини билишни ва уларга амал қилишни талаб этади.

Адабиётларни ўрганиш, қарор ва қонунлар таҳлили асосида олий таълим ташкилотларида бўлажак ўқитувчиларининг тарбиявий фаолиятга тайёрлашнинг қуйидаги мазмун ва вазифалари аниқланди:

инсонпарварлик тарбияси – одамларга ғамхўрлик қилиш, дўстона муносабат, уларнинг манфаатларини жамоатчилик билан уйғунлаштира олиш, сўз ва амал бирлиги ҳисси кундалик хулқ-атвор нормаси сифатида;

энг олий инсоний қадриятлар – севги ва дўстлик, меҳрибонликни тарбиялаш;

қатъийликни тарбиялаш, ҳалоллик, ҳис-туйғуларнинг чуқурлиги;

муносабатларда масъулиятли ёндашувларни тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;

меҳнатга бўлган эҳтиёжни, меҳнатсеварликни ҳаётнинг энг олий қадрияти моддий фаровонлик, ижодкорлик манбаи сифатида қарашни тарбиялаш;

хулқ маданиятини, мулоқот маданиятини тарбиялаш;

ўз қадрини билишни тарбиялаш;

реал ҳаётий вазиятларда ўзлаштирилган ахлоқий билимларига мувофиқ билиш, тушуниш ва ҳаракат қилиш истагини ривожлантириш;

экстремал вазиятларда қурашиш ва омон қолиш қобилиятини тарбиялаш;

талабаларда ирода кучини ривожлантириш, ўзининг кучли ва заиф томонларини танқидий таҳлил қила олиш қобилияти;

оиланинг урф-одатлари, халқнинг анъана ва қадриятларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш; ўзи ҳақидаги фикрларни тинглаш,

эшитиш, кўриш ва англаш ва ўзи ҳақида хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашга қаратилган вазибаларни амалга ошириш учун мазкур фаолиятга тайёргарлик имконияти юқори бўлган фан мазмунига қаратилди. 2021-2022 ўқув йили учун ишлаб чиқилган 60110100 – Педагогика ва психология бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси таҳлили натижасида мажбурий фанлар блокида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ 11 та ўқув фани борлиги аниқланиб, улар таҳлил қилинди ҳамда, улар орасидан 9 тасида бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашга мос ўқув материаллари мавжудлиги аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашга мос ўқув фанлари рўйхати

№	Фаннинг номланиши ва асосий дидактик бирликлари	Умумий соат
1	Педагогика назарияси ва тарихи	300
2	Ижтимоий педагогика	300
3	Креатив педагогика	300
4	Оила психологияси ва психотерапияси	240
5	Умумтаълим мактабларида тарбия фанини ўқитиш методикаси	240
6	Компаративистик педагогика	180
7	Педагогик маҳорат	300
8	Оила педагогикаси	120
9	Тарбия диагностикаси ва коррекцияси	120


Мазкур фанлар мазмунини ўрганиш асосида, уларни ташкил этиш шаклларига инновацион ёндашув имкониятлари билан уйғунлаштириш керак деган ғоя илгари сурилди. Бунда педагогика олий таълим ташкилотларининг “Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш”, “Педагогика ва психология”, “Дефектология” йўналишларида ўқитиладиган “Педагогика назарияси ва тарихи” фанининг мазмунига қаратилди. Машғулотларни инновацион ёндашув асосида таълим технологиялари асосида ташкил этиш, талабаларда юқорида келтирилган ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш, тарбиявий фаолиятга

тайёрлаш каби жиҳатларни такомиллаштириб боришга эътибор қаратилди.

“Умумий педагогика”, фанининг “Ўзбекистон республикаси таълим тизими”, “Педагогика шахс тарбияси ва ривожланиши тўғрисидаги фан. Илмий педагогик тадқиқотлар методологияси ва методлари”, “Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви”, “Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни. “Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари”, “Жамоа тарбия объекти ва субъекти сифатида”, “Тарбиянинг умумий методлари”, “Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш”, Ақлий тарбия”, “Фуқаролик тарбияси”, “Маънавий-ахлоқий тарбия”, “Ўқувчиларнинг меҳнат, жисмоний ва эстетик тарбияси” каби мавзулари асосида тарбиявий жараён ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш юзасидан билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, келгуси касбий фаолиятида тарбиявий ишлар тизимини самарали ташкил этиш лаёқатини ривожлантиришга, шакллантиришга қаратдик. Мазкур мавзуларни тизимли ўрганиш, ўзлаштириш натижасида бўлажак ўқитувчиларда курслар кесимида қуйидаги ижобий фазилатлар шаклланганлиги аниқланди (жадвалга қаранг).

2-жадвал

Бўлажак ўқитувчиларда курслар кесимида шаклланган ижобий фазилатлар



Жадвалда келтирилган маълумотлар, бизга бўлажак ўқитувчиларни тарбиявий фаолиятга тайёрлашга тизимли равишда амалга ошириладиган фаолият ижобий натижа беради деган хулосани берди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед. фанл. д-ри (DSc) ... дис. Автореф. – Т., 2017. – 66 б.
2. Байкова Л.А. Методика воспитательной работы: Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Академия, 2006. – С. 120.
3. Шадриков В.Д. Психология деятельности и способности человека. – М.: Логос, 1996. – 320 с.